

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

АТ "Aloqabank"

Объявление

AKSIYADORLIK TIJORAT "ALOQABANK"

[ХАБАРНОМА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА \(27.06.2024\)](#)

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" акциядорлари  
диққатига!

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш  
тўғрисида.

## ХАБАРНОМА (масофадан)

Сизни, 2024 йил 27 июнь куни соат 12:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> (<http://evote.uz/>) орқали бўлиб ўтадиган АТ "Алоқабанк" акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига таклиф этамиз.

---

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. АТ “Алоқабанк”нинг 2023 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.
3. АТ “Алоқабанк”нинг 2023 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2024 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. АТ “Алоқабанк”нинг 2023 йил иш фаолияти якуни бўйича Халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш.
5. АТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботи, миллий стандартлар бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
6. АТ “Алоқабанк”нинг 2024 йил иш фаолияти якуни бўйича Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
7. АТ “Алоқабанк”нинг 2023 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини ҳамда банкнинг 2024 йил 1 январь ҳолатига тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш.
8. АТ “Алоқабанк”нинг жойлаштирилган акцияларини майдалаш ва акциялар номинал қийматини ўзгартириш.
9. АТ “Алоқабанк”нинг олдинги акциялар чиқарилишларини бекор қилиш.
10. АТ “Алоқабанк”нинг эълон қилинган акцияларининг янги сонини белгилаш ва тасдиқлаш.
11. АТ “Алоқабанк”нинг акцияларни янги чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ва АТ “Алоқабанк”нинг акцияларнинг янги чиқарилишини жойлаштириш тартибини тасдиқлаш.
12. АТ “Алоқабанк”нинг акцияларни янги чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
13. АТ “Алоқабанк” кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш.
14. АТ “Алоқабанк”да 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
15. АТ “Алоқабанк”нинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

16. “Shanghai Construction Group Co., LTD” (ХХР) ва АТ “Алоқабанк” ўртасида 2019 йил 28 июнда тузилган ALOQA/SCG-001-сонли қурилиш пудрат шартномасига қўшимча келишув тузиш.

17. АТ “Алоқабанк” томонидан “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилган бинони сотиш.

18. АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартириш киритиш.

---

АТ “Алоқабанк” Кузатув кенгашининг 2024 йил 4 июндаги йиғилиши қарорига асосан Акциядорларни йиллик умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2024 йил 4 июнь. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2024 йил 21 июнь.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (<http://evote.uz>) фойдаланган ҳолда 2024 йил 27 июнь соат 11:00 да бошланиб 12:00 да тўхтатилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан <http://evote.uz> (<http://evote.uz/>) электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки [info@aloqabank.uz](mailto:info@aloqabank.uz) электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-232-83-67.

06.06.2024

---

Источник: <https://openinfo.uz/announce/17554/>

Дата: 13.04.2026